



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 20 март, № 54 (5728)

Чоршанба

ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА ОБОДЛИК АЙЁМИ



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгиликни рамзи бўлиши Наврўз айёми "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!" деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тисолингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг хурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадри юртдошлар!

"Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг сеvimли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айлиниб қолган?" деган савол берилиши табиийдир.

Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси ин-

сон она-заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъозлаб, ҳамнафас бўлиб яшагга ундаши билан бизга қадридир.

Ҳар қандай гараз, гиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуғлаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамоҳандир.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, кут-барак ва мурувват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келадиган шарқона Янги йилимизни — бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзиқиб кутамиз, эъозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил

майдон ва кўкаламзорларда ўтказилаётган сайил-томошаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетақрор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланган кетган қадриятлар — бири-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, қўни-қўшилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қилади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта хурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодлиқларимизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий шериқ ва ҳамкорларимизни, барча

азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан қутлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизни, кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши навқирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севи ва хурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан қутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман. "Обод турмуш" деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Одамзод ва табиатни бири-бирдан айро ҳолда тасаввур этиш мушкул. Зеро, улар — бетақрор мўъжиза, тирикликнинг нақши нигои. Шунинг учун бўлса керак, ҳар фаслда табиат ўзининг кўрку чиройи, эркалиги инжиқлигини намоён этса, бундай ўзгаришлар инсон феоь-атвори, юриш-туришига ҳам таъсир қилади. Айниқса, кўклам яқинлашиб, Наврўз нафаси уфурган сайин дилларда меҳр-оқибат, саховат, мурувват каби эзгу фазилатлар жўш уради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан репортаж

Буни шу кунларда юртдошларимизнинг ободонлаштириш кўкаламзорлаштириш юмушларига қаттиқ киришиб, Наврўзи оламини рисоладагидек пешвоз олиш тараддудида қилган хайри ишларидан ҳам яққол англаш мумкин. Бинобарин, Наврўз нафақат яшариш ва янгиликни айёми, шу билан бирга, она-Ватанга наф келтириш, эл-юртга хизмат қилишдек улугвор ниятларни амалга ошириш фурсатидир. Шу боис у муқарраму мўътабар, ҳар қанча иқром этмоққа, эъозламоққа арзийди.

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, қўп минг йиллик миллий қиёғамиз, қўп минг йиллик миллий қиёғамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетақрор ифодаси эканлиги алоҳида таъкидланган.

Бугун эл-улус қалбида бунёдкорлик кайфияти барқарор, яратувчанлик юмушлари авжида. Байрам туфайли беморлар ҳолидан хабар олиниб, муҳтожларга кўмак берилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, энг чекка қишлоқларида ҳам Наврўз шодлиғи намоён бўлган.

Бундай гўзал фазилатларнинг тафтини юрак-юракдан ҳис этмоқдамиз. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча жойларида бўлганидек, пойтахтимиз кўчалари, маҳаллалари ҳам Наврўзона қиёғамизга кирган. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамга хос тарзда кўркемликка бурканган.

19 март. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намоёндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчилари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Миллий боғ йўлаклари бўйлаб турли қандолат, ноз-неъматлар, хунарманчилик маҳсулотларининг намоёиши кўзни қамаштиради. Сумалак, ҳалим, кўксомса сингари Наврўз таомларини кўриб, дилда шукроналик ҳисси уйғонади.

Муҳташам саҳнада жонажон Ўзбекистонимизнинг мафтункор, гўзал табиати, лоззорлар, яшнаган чаманзорлар жамоли, турфа безаклар, рангбаранг шарлар, ленталар акс этганини кўриб, осмони мусаффо, замани хосилдор, суви зилол, тупроғи табаррук шундай гўзал юрда яшаётганиндан чексиз фархланасан...

Соат 10:30. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Миллий боғимизга ташриф буюради. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини гулдўрос қарсақлар билан кутиб олишади.

Чорлов мусикаси янгради. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга берилади. Юртбошимиз халқимизни кутлуг айём — Наврўз билан муборакбод этади.

Карнай-сурнай садоси янграб, байрам тантаналари бошланади. Шўх-шодон наволарда ҳаёт абадийлиги ва гўзаллиги васф этилади.

Шўбҳасиз, бундай байрамлар озод ва обод, ўзининг буюк келажаги сари дадил одимлаётган юртга ярашади. Нафақат марказий шаҳарлар, балки энг чекка қишлоқларда ҳам пуर्वикор тоғлардек қад ростлаётган бинолар, муҳташам мактаб, коллеж, лицейлар, Ёшлар марказлари халқимизнинг юксак бунёдкорлигидан нишондор.

Жорий йилда истиклолимизнинг кутлуг 22 йиллигини тантана қиламиз. Ўзбекистонимиз босиб ўтаётган тараққиёт йўлида эришилган, дунё жамоатчилиги тан оламшумул ютук ва марралар, турмуш фаровон-

лигининг йилдан-йилга юксалиб бораётгани Президентимиз томонидан чуқур ва пухта ўйланган мақсад-муддаоларнинг ҳаётбахш самарасидир. Бошқача айтганда, "ўзбек модели" деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб турибди.

Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йили юртимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилди, аҳоли турмуш даражасининг изчил юксалиши таъминланди. Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмиси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

...Кўркем бог узра баҳор элчиси — қалдирғочлар вижир-вижири, шаршара садоси, булбуллар хониши эшитилади, гуллар очилишини ифодаловчи рамзий лавҳалар кўзга ташланади.

Саҳнани болажонлар эгаллайди. Улар беғубор орзуларни, ҳаёт нашидасини баралла куйлашади.

Президентимиз айтганларидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг неғизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузси мужассамдир. Бинобарин, бу борада амалга оширилаётган ишлар самараси ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамоллигида намоён бўлмоқда. Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичда замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чинқикан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда. Ассойиш, бу соҳадаги ютуқларимиз халқаро миқёсда тан олинапти. Франциядаги "Инссад" халқаро бизнес мактаби томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капитални ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга қаратаётган улкан ғамхўрликларига жавобан улар энг нуфузли танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. 2012 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, жаҳон чемпионатида йўлланма олгани ҳам ана шу эътибор ва эъоз натижаси, десак, айна ҳақиқат.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган "Бунёдкор" спорт комплекси мамлакатимиз спортини ҳаётда, қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги катта воқеа бўлди. Халқаро футбол уюмлари федерацияси — ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясининг "Fair Play" (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирлангани Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Наврўзи олам қутловлари

Баҳор ва янгиликни айёми — Наврўзи олам муносабати билан хорижий давлатлар ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари юртимизнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналари орқали ўзбек халқига ўз қутловларини йўлламоқдалар. Жумладан, ушбу шуқуҳли байрам арафасида мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонасида Америка жамоат арбоблари ўзларининг ана шундай байрам табрикларини изҳор этдилар.

Б. ФИЛНЕР, Сан-Диего шаҳри мэри:

— Ўзбек халқини Наврўз байрами билан табриклаш мен учун катта шарафдир. Сан-Диего шаҳри Ўзбекистон билан барча йўналишлар, айниқса, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоридир.

Биз ушбу баҳор байрами арафасида келажакка умид ва ишонч билан қараган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги

икки томонлама муносабатлар янада мустаҳкамлашишига тилақдошимиз.

А. ЛОВЕНТАЛ, конгрессмен:

— Ўзбек халқини умуммиллий байрам ҳисобланадиган Наврўз билан чин қалбимдан қутлайман.

Шунингдек, давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқалар ўзаро манфаат ва хурмат асосида янада ривожланишини қўллаб-қувватлайман.

(Давоми 2-бетда).

ХУШҲАБАР

Юртимизда баҳор байрами — Наврўзи олам шуқуҳи кезиб юрган шу кунларда нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этаётган вакилларимиз ажойиб ғалабаларни қўлга киритдилар.

Ёшларимиз ўз сўзини айтмоқда

Жумладан, Филиппин ҳамда Хиндистонда спортнинг бокс ва велоспорт турлари бўйича ташкил этилган Осиё чемпионатларида Ойбек Шарипов ҳамда Муроджон Холмухамедов китъа чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Уларнинг ушбу муваф-

фақиятлари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Ойбек Шариповнинг раҳнамолигида спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА ОБОДЛИК АЙЁМИ



◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Наврўз — миллатлараро аҳиллик ва бирдамликка, ўзаро ҳамкорликка, ҳамжиҳатликка чорловчи айём. Чунки унда тинч ва осойишта ҳаёт қадри, муруват, саховат, яхшилик, эъзоз ва эҳтиром мазмуни мужассам.

Саҳнага юртимиздаги турли маданият марказларининг вакиллари ўз миллий либосларида чиқиб келишади. Улар ижросида эзгулик, тотувлик ва дўстликни мадҳ этувчи, она-Ўзбекистонимизни улугловчи куй-қўшиқлар янграйди.

Ўзбекистон бугун дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи санокли мамлакатлардан биридир. Бу ердаги машиналар ҳақонга машхур автокомпанияларда тайёрланаётган автомобиллар билан бемалол рақобатлаша олади. Шунинг учун ҳам сифати, қулайлиги, кўркам дизайни билан ном қозонган, кўчаларимизни тўлдирган бу машиналар ҳақонга хоржиж давлатларда ҳам талаб ортиб бормоқда. Худди шунингдек, Ўзбекистонимизда юк автомобилларининг ҳам ишлаб чиқарилаётгани фахру ифтихоримиздир. Чунки, ўтган йили Германиянинг дунёга машхур "MAN" компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилга 3 мингта юк автомобилли ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи яқунлангани фикримиз исботидир. Ушбу корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплайди, балки бу машиналарни экспорт қилишни ҳам таъминлайди.

Саҳнада ана шундай улкан муваффақиятлар, эришилаётган салмоқли натижалар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг турли бадийий гуруҳлари чиқишлари орқали ифода этилади. Дилбар хонишларда Ватан, ободлик, осува ва бахтли ҳаёт тараннум этилади.

Наврўз — экин-тикин ишларининг бошланишидан дарак берувчи айём. Заҳматкаш деҳқонларимиз, фидойи фермерларимиз шу кунларда далага меҳр бериб, парвариш юмушларини адо этишмоқда. Зеро, халқимизда: "Ерни боқсанг, ер сени боқад" деган нақл бор. Ўтган йилда

юртимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — галла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари томонидан 3 миллион 460 минг тоннадан зиёд пахта, 7 миллион 500 минг тонна галла, 2 миллион тоннадан кўпроқ картошка ва 9 миллион тоннадан ортик сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди. Буларнинг барчаси, миришкор деҳқону боғбон, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир.

Президентимиз томонидан "Мустақам оила йили" деб номланган 2012 йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам юксак эътибор қаратилди. Улар учун 2 минг 400 та квартира қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу каби уйлари харид қилишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари Илоҳ Каримов гоёси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўп қаватли замонавий уйлар шаҳарнинг меъморий қиёфасини янада янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бежиз эмас.

Энг муҳими, бу каби эзгу сазй-ҳаракатларга "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам алоҳида ургу берилган. Дастурга мувофиқ, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 10 мингта якка тартибдаги замонавий уй-жой қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш мада-

ниятини оширишга хизмат қилади.

Бундай юксалишлар юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ҳам ўзгартирмоқда. Одамлар бугунги ҳаётдан мамнун бўлиб, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Каттаю кичикнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда.

...Жўшқинлик, ёшлик, шижоат тараннум этилган қўшиқлар барча-барчани рақсга чорлайди.

Хайру саховатли, меҳр-муруватли элдан барака кетмайди. Бу ҳаётий ҳақиқат ўтган йили амалга оширилган савобли ишларда ҳам яққол кўзга ташланди. Хусусан, эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол

ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилди. Худди шунингдек, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга қиймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган қишки кийим-кечак берилди. 2012/2013 ўқув йилида 510 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўқув анжумлари тўплами билан таъминланди.

Шунингдек, "Фонд Форум" ташаббуси билан юртимиз бўйича мингдан зиёд ижтимоий ёрдамга муҳтож ёш оиланинг никоҳ тўйлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўтказилди.

"Бойлиқнинг боши соғлиқ" деган нақл бор халқимизда. Зотан, саломатлик барча муваффақиятларнинг калитидир. Шу боис муқаддас ҳаётда кўпчиликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб кели-

наётган, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасидаги чора-тадбирлар юксак самара бераётир. Ўтган йили пойтахтимизда 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан иборат маблағ ҳисобидан қуриб битказилган, энг замонавий тиббий асбобу-ускуналар билан таъминланган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуаси бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касаллиқларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этиши билан, айниқса, Эйтиборлидир.

...Наврўзни "Миллий анъаналаримизни намойиш этувчи кўзгу", деймиз. Бунинг исботи тариқасида саҳнада Наврўз удумлари — арқон тортиш, чиллак, "Оқ теракми, кўк терак" сингари азалий ўйинлар ижро этилади. Масхара-бозлар, қўғирчоқбозлар, ёғоч от ўйнатувчилар ҳам ўз истеъдодларини кўрсатадилар. "Асрлар садоси" фестивали иштирокчилари, эл ардоқлаган санъаткорлар ижро этган халқ қўшиқлари, лапар, айтишувлар, ёр-ёру ялларлар ёшлар ижросида талқин этилади. Катта ашулалар ижро қилинади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар томонидан кенг эътироф этилиб, холисона баҳоланмоқда. Жумладан, 2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро микёсда тан олинган Легатум институти ўзининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритгани эътиборга лойиқдир.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатини

қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир. "Фонд Форум" ташаббуси билан ўтказилган "Art Week Style.uz — 2012" санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айлиниб бора-япти. Ҳафталик доирасида ўтказилган "Олтин Гепард" иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми, "Theatre.UZ/2012" халқаро театр фестивали, VI халқаро Тошкент фотобиеналеси каби йирик лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилди.

Ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги борасида ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгара ҳавас қилаётган ўринни муштақам эгаллаган. Халқимиз манфаатини ўйлаб, узокни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат, ғамхўрлик эвазига қўлга киритилган бундай ютуқлардан, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар биримиз гурурланиб, бошимизни бандан кўтариб яшашга ҳақлимиз. Зеро, амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароит ва ғамхўрлик, аҳоли саломатлигини асраш борасидаги туб бурилиш — буларнинг барчаси МУСТАҚИЛЛИК шарофатидандир. Наврўз байрамининг бугунги жозибаси ва шуқуҳи ҳам, шак-шубҳасиз, Истиқлол тўғайлидир.

Тантаналар чоғида ана шу улугвор мақсадлар, устувор вазибалар шеър ва қўшиқ, мусиқа ва рақсларда баралла мадҳ этилди. Тароналар, байрам жозибаси дилларга олам-олам шодлик улашди. Бинобарин, Наврўз таровати бутун юрт узра қалблардан қалбларга кўчиб юраверади. Жойларда, маҳалларда, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам халқ сайиллари давом этади. Байрам шуқуҳи барчани яра-



Аъло АБДУЛЛАЕВ, Сарвар ЎРМОҢОВ (ўзА) олган суратлар.

миздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали маънавий меросимизнинг кенг тарғиб этиш, санъатинг турли йўналишларида фаолият юритаётган иждоқорларни

тиш, яшнатишдек эзгу юмушларга ундайверади.

Инсон қадри сарбаланд, озод ва обод Ватанимизга хуш келибсан, Наврўзи олам!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наврўзи олам қутловлари

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Биз Ўзбекистон билан нафақат шерикликни, балки унинг Марказий Осиё минтақасидаги етакчи ўрнини ҳам қадрлаймиз.

Кутлуг сана муносабати билан давлатлараро муваффақиятли ҳамкорликнинг янада ривожланишига умидворлик изхор этаман.

С. ВАЙЗ, Лонг-Бич шаҳар маъмурияти раҳбари:
— Ўзбекистон халқини миллий байрам — Наврўз билан табриклаш имкони туғилганидан хурсандман.

Жанубий Калифорния халқаро савдо-сотиқ нуктаи назаридан Америка Қўшма Штатларининг энг муҳим ҳудудларидан бири саналади. Америкага олиб кирилаётган юларнинг қирқ фоиздан ортиги Лонг-Бич шаҳри орқали ўтади. Биз экологик соф технологиялардан фойдаланган ҳолда, савдо-сотиқни кенгайтириш учун зарур бўлган янгидан-янги иншоотларни бунёд этмоқдамиз.

Жанубий Калифорния иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон билан ўзаро қизиқши туғдирадиган барча йўналишларда ҳамкорлик қилишдан ниҳоятда манфаатдордир.

К. ВАЛЬДЕРАМА, Лос-Анжелес шаҳри Савдо-саноат палатасининг катта вице-президенти:

— Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан самимий кутлайман.

Бугунги кунда ҳар бир шаҳар, мамлакат, минтақа ва бутун дунё учун халқаро савдо-сотиқ муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, Лос-Анжелес шаҳри Савдо-саноат палатаси Ўзбекистоннинг ишбилармон доиралари ва давлат муассасалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилишини қўллаб-қувватлайди.

Муносабатларимиз янада ривожланишидан умидворимиз.

«Жаҳон» АА,
Вашингтон

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

қаратилаётган юксак эътибор туфайли ёшларимиз ўртасида бокс тури тобора омма-лашиб бормоқда. Бинобарин, яратилаётган замонавий шарт-шароитлар ҳамда машғулотларга малакали мураббийларнинг жалб этилаётгани вақилларимизнинг китъа ва жаҳон рингларидидаги ёрқин галабаларига асос бўлмоқда. Масалан, биргина Осиё чемпионатларини олиб қарасак, шу пайтгача ўтказилган баҳсларда ўзбекистонлик ёш чарм қўлқоп усталари 9 та олтин, 3 та кумуш ва 8 та бронза медални жағгарган эдилар. Филиппин давлатида йигирмадан ортик мамлакатнинг 130 нафардан зиёд спортчиси иштирок этган V Осиё чемпионатида эса ана шу совринлар сони янада кўпайди. Жумладан, 91 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида ҳамюртимиз, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Ойбек Шарипов барча

Ёшларимиз ўз сўзини айтмоқда

роил Мадраимов, Акмалбек Қосимов ва Улугбек Мубин кумуш, Нурсултон Нишонбаев, Анвар Турапов эса бронза медаллар билан тақдирланди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мазкур натижа билан мусобақани умумжамоа ҳисобида кучли учликда яқунладилар...

Айтиш жоизки, кейинги йилларда велоспортдаги ютуқларимиз салмоғи ҳам ортиб бораёпти. Хусусан, яқинда Ҳиндистоннинг Деҳ-

ли шаҳрида ташкил этилган велоспорт бўйича Осиё чемпионатида Муроджон Холмуродов бир йўла иккита олтин медалга сазовор бўлди. Мусобақада китъамизнинг 35 мамлакатидан 760 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар учун астойдил курашганини ҳисобга олсак, бу иккита олтин медалнинг қадр-қиммати нечоғли аҳамиятли эканлигини англаймиз. Муроджон тимсолида ҳеч кимдан кам бўлмаган, ўзига ишонган, сарфашганини ҳисобга олсак, бу иккита олтин медалнинг қадр-қиммати нечоғли аҳамиятли эканлигини англаймиз.

Муроджон тимсолида ҳеч кимдан кам бўлмаган, ўзига ишонган, сарфашганини ҳисобга олсак, бу иккита олтин медалнинг қадр-қиммати нечоғли аҳамиятли эканлигини англаймиз. Муроджон тимсолида ҳеч кимдан кам бўлмаган, ўзига ишонган, сарфашганини ҳисобга олсак, бу иккита олтин медалнинг қадр-қиммати нечоғли аҳамиятли эканлигини англаймиз. Муроджон тимсолида ҳеч кимдан кам бўлмаган, ўзига ишонган, сарфашганини ҳисобга олсак, бу иккита олтин медалнинг қадр-қиммати нечоғли аҳамиятли эканлигини англаймиз.

Наврўзда қилинган яхши ният, албатта, ижобат бўлади дейишди. Шундай экан, истагимиз жорий йилда спортимиздаги галабалар бундан-да кўпаяверсин.

Фазлиддин АБИЛОВ
тайёрлади.

Наврўз тухфалари



Йирик лойиҳа ва қўшимча иш ўринлари

Наврўз арафасида Жиззах шаҳридаги "Жиззах-тоштепестиль" масъулияти чекланган жамияти қошида энгил саноат корхонаси ишга туширилди.

— 2011 йили бизнес ҳамкорларимиз билан биргаликда Жиззах туманида тикувчилик фабрикаси фаолиятини йўлга қўйган эдик, — дейди жамият раҳбари Дадажон Эргашев. — Яқингача асосий хом ашё ҳисобланган мато қиммат нарҳда четдан олиб келинарди. Буни ҳал этиш мақсадида ўтган йили банкдан олинган 5,5 миллиард сўм кредит ҳисобига фойдаланилмай турган бинони сотиб олиб, тўлиқ таъмирдан чиқардик. Жанубий Кореядан бўйша, тикиш ва тўқув дастгоҳлари олиб келинган, бу ерда йилига 1,2 минг тонна калава ипдан мато тўқиш имконияти яратилди. Ҳозир мазкур корхонада 200 нафарга яқин ёшлар меҳнат қилмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилда худуднинг саноат салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида 279 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шифохонанинг янги биноси

Янгиқўрғонлик бинокорлар янгилини, яшариш айёмида туман шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва режали жарроҳлик бўлими янги биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган икки қаватли бинода беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва даволаш ишларини юксак даражада ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда бир йўла 30 кишини қабул қилиш ва даволаш имконияти мавжуд. Ҳар икки бўлимига хизмат кўрсатадиган ушбу иншоотни барпо этиш учун 2 миллиард 533,9 миллион сўм йўналтирилди ҳамда 400 миллион сўмлик тиббий анжом ва ускуналар олиб келинди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Рўзғорбон маҳсулотлар корхонаси

Тўртқўллик тадбиркор Мансур Отажонов Наврўз байрамига ажойиб тухфа тайёрлади.

Унинг сазй-ҳаракати билан туман марказида пластмассадан рўзғор буюмлари тайёрлашга ихтисослаштирилган "Жасур ҳалол савдо" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Тадбиркор мазкур лойиҳани амалга оширишда банкнинг 152 минг АҚШ долларидан зиёд кредитидан самарали фойдаланди.

— Бу ерда 15 кишини иш билан таъминлади, — дейди М. Отажонов. — Тула қувватга эришимиз билан ишчиларимиз сони яна икки баробарга кўпаяди. Қисқа фурсатларда 150 миллион сўмлик маҳсулот чиқарганимиздан мамнунимиз.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кам энергия сарфлайди

Обод турмуш йилида Сурхон воҳасида намунавий лойиҳалар асосида 810 та тураржой қурилиши кўзда тутилган.

Бу эса қурилиш ташкилотларини сифатли материаллар билан таъминлашни тақозо этади. Ана шу талабни ҳисобга олган Узун туманидаги "Узун Ахрор сервис" хусусий корхонаси жамоаси кутлуг айём кунларида банкдан имтиёзли кредит олиб, тош ва қўшни саралайдиган замонавий технологияларни харид қилиб, фаолиятини кенгайтирди.

— Мазкур технологиялар кам электр энергиясини сарфлаб, кўп маҳсулот ишлаб чиқариши билан афзал, — дейди корхона раҳбари Санжар Сайдалиев. — Бу эса бююртмачиларимизни сифатли ва арзон қурилиш ашёлари билан таъминлаш имкони беради.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУНЁДҚОРЛИК

Шахрисабз туманидаги ўрмон хўжалиги-га хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчилари Наврўзи оламни замонавий ўқув биносида кутиб олишди.

Коллеж ўқувчиларининг қувончи

Камар қишлоғида барпо этилган 360 ўринли иншоот учун 3 миллиард 114 миллион сўм йўналтирилди. Айни чоғда 50 ўринли ётоқхона ҳамда махсус амалиёт устaxonалари компьютер тўпламлари ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланди.

— Қишлоғимизда шундай мухташам иншоот қурилганидан жуда мамнулимиз, — дейди коллеж ўқувчиси Юсуф Ибодуллоев. — Бу ерда ўрмон хўжалиги мутахассислиги, компьютер, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатиш ҳамда тикув ва трикотаж буюмларига ишлов бериш йўналишлари чуқур ўқитилапти.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қут-барака қўшиғи

Наврўз — янгилини, яшариш, тириклик тантанаси. Асрлардан-асрларга ўтиб келаётган, ота-бобларимиздан мерос бўлган эзгу аънаналаримиз байрами. У истиқлол шарофати билан довруғи етти иккимга таралди, Юртбошимиз эҳтиромидан янада юксалди, десак, айни ҳақиқат.

НАВРЎЗ УДУМЛАРИ

Наврўз билан боғлиқ жуда кўп маросимлар бор. Халқимиз уларни жуда севади, бутун борлигини бериб, унинг қондаларини адо этади. Ана шундай наврўзона тадбирлардан бири Навоий вилоятининг Хатирчи тумани ҳудудидаги Хонақо, Уйшун, Чигатой, Жалойир каби қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли томонидан ўтказиладиган «Сув тўлди» маросимидир. У айни пайтда «Барака», «Обибарака», «Тўлди» деб ҳам номланади. «Сув тўлди» маросими, одатда, 20 март куни ўтказилган. Айни шу куни ҳар бир хонадон соҳиби барча идишларини (қозон, челақ) сувга тўлдирган. Идишларга илоҳий барака ёғилади, деб тасаввур қилинган. Сувнинг эъзозланишига сабаб аждоларимизнинг деҳқончилик, аниқроғи, лалми деҳқончилик билан шугулланганлигидадир. Ушбу маросимда жамғарилган сувдан Наврўз таомларини пиширишда фойдаланилган. Бундан ташқари, байрам куни шудгор қилинган, кўпчи турган ерга сув сеппи «хай

барака» деб қичқирилган. Бундай ерга сув сеппи деҳқон учун бир йил намгарчилик бўлишини таъминлаш, қут-бараканинг рамзий кўринишидир. Шунинг учун халқимизда «обихаёт» деган ибора кўп қўлланилади. Ерга сувнинг келиши деҳқонларга катта шодлик бағишлаган. Наврўз кунлари қишлоқ оқсоқоллари томонидан байрам сайли ташкил этилган. Турли мевалар билан бир қаторда, янги кўкатлар, кўксомса, қўнчувара, сумалақ, гўжа каби аънанавий таомлар пиширилиб, дастурхонга тортилган. Гўжа оқжўхоридан тайёрланадиган таом бўлиб, уни айрим жойларда «кўча» ҳам деб аташади. Бунинг сабабини қариларимиз кўчада, яъни далада истеъмол қилинганлигига боғлаб изоҳлайдилар. Байрам куни болалар далада ўрнатилган дошқозонларда пиширилган гўядан қозонларга сузишиб, ариқ бўйларидан, тол ва тут сояларида кўча ошини ошайдилар. Кўча оши

истеъмол қилиш жараёнида бир қосадан икки ёки уч бола бир қошиқ билан тановул қиладилар. Кексалар қошиқ устида талашган болаларни «ташашиб ошаш»га ўргатадилар. Момолар болаларни ўтказиб, қуйидаги қўшиқни айтадилар:

*Талашмасин, талашсин,
Қўзим ошин ошашсин.
Кўча берган худойим
Улуғ бўл, дер илойим.
Момонг кўча сузади,
Уканг ўйин бузади,
Икковора бир қошиқ,
Кўчага бўлдим ошиқ,
Ташашиб ичар ошини
Уйнамай беш тошини.
Ол ташаш,
Ол ташаш!*

деб сопол қосага чўп қошиқни қўйиб, болаларни гўжасўзликка ундашади. «Ол ташаш» қўшиғи кўча ичиш айтими бўлибгина қолмай, болаларнинг баъзи ўйинлари ҳақида ҳам маълумот беради. Масалан, «Беш тош» ўйини болалар ўртасида жуда оммалашган қадимий ўйинлардан саналади. Айни кунларда мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида «Беш тош» ўйини сақлаб қолган. Мухтасар айтганда, Наврўз халқимизнинг азалий қадриятларини ўзда мукассамлаштирган, маънавиятимизнинг муҳим сарчашмаси сифатида ҳам улкан аҳамиятга эга.

Олимжон ҚАЮМОВ,
Навоий давлат педагогика институти доценти,
филология фанлари номзоди.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Болалар — болаларга

«Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ташаббуси билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмағида ҳар ой аънанавий ўтказиб келинаётган «Болалар — болаларга» деб номланган хайрия концертининг навбатдагиси В. Успенский номидаги республика иттиҳослаштирилган мусиқа академик лицейида бўлиб ўтди.


Унда лицей ўқувчилари томонидан машҳур миллий композициялар, рок, диско усулидаги мусикалар ҳамда ўзлари яратган мусиқий асарлар ижро этилди.

Концертдан тушган барча маблағ Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институтининг болалар бўлимида даволанаётган ёш беморларга дори воситаларини харид қилиш учун йўналтирилади.

И. НАБИЕВА.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида «Наврўз» деб номланган аънанавий кўрғазма ташкил этилди.

Яшариш кўрғазмаси



Кўрғазмада мўйқалам соҳибларининг икки юздан ортик картиналари намойиш этилмоқда. Суратларда она-табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик камалакранг бўёқларда, тасвирий санъатнинг турли жанр ва услубларида акс эттирилган. Бу ерда, шунингдек, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати намуналари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.

Э. МАДАТОВ.

«UNIVERSAL AUKTION INVEST» МҶЗ Фарғона вилояти филиали очик аукцион савдосига таклиф этади!

2013 йил 23 апрель куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Қувасой шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қуба тумани судининг 2012 йил 27 февралдаги 1-17/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган «Toyota Camry» русумли, оқ рангли, давлат рақами 40 987 НАА, бошланғич баҳоси — 38 465 269 сўм; Ўзбекистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти хўжалик судининг 2011 йил 5 октябрдаги 15-11-03/21932-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш қорхонасида вақтинчалик сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тисо» русумли, оқ рангли, давлат рақами 40 389 МАА, бошланғич баҳоси — 9 974 753 сўм; Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2012 йил 9 апрелдаги 1-151/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Ермозор кўчаси, 1-уйда жойлашган жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Lacetti» русумли, оқ рангли, давлат рақами 40 J 040 СА, бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм; Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 11 июлдаги 2-21-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳар ИИБ биносида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, жигарранг, давлат рақами 40 D 133 АА, таъмирталаб, бошланғич баҳоси — 15 809 000 сўм; Фурқат тумани СИБ томонидан ЖИБ Учкўприк тумани судининг 2013 йил 8 январдаги 1-1/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фурқат тумани ИИБ ховлисида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, оқ рангли, давлат рақамисиз, бошланғич баҳоси — 24 000 000 сўм; Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ Богдод тумани судининг 2013 йил 8 январдаги 7-20-сонли ижро

варақасига асосан хатланган, Риштон тумани ИИБ биносида сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 K 44 82, бошланғич баҳоси — 17 668 000 сўм.

Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йилнинг 8 май куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А»-уй, 16-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар зақалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «UNIVERSAL AUKTION INVEST» МҶЗ Фарғона вилояти филиалининг «Савдогар» ОАТ банки Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига 20208000204932168003, МФО: 00500, СТИР: 302083379 тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топиришлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот учун манзил: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона. Тел.: (+99895) 404-44-78. Гувоҳнома № 004059

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МҶЗ Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» қўшма қорхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Қалчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, қурилиш майдони 10781,75 кв.м., фойдаланиш майдони 3960,30 кв.м бўлган 2000 тоннали замонавий совуққич бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 1 281 975 585 сўм.

2. ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қалчуғай» ҚФЙ, Водил кўчасида

жойлашган, қурилиш майдони 697,98 кв.м., фойдаланиш майдони 199,73 кв.м. бўлган дала-ҳовли бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 153 906 729 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 5 апрель куни соат 10.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 3 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МҶЗ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхонийдин Марғинойий кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-69. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

КОРЕЯ МИЛЛИЙ НЕФТЬ КОРПОРАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ГЎЗАЛ БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

БАРЧАГА ҚУВОНЧ, ФАРОВОН ҲАЁТ ВА ОМАД ТИЛАЙДИ!



IT IS A GREAT HONOR FOR KOREA NATIONAL OIL CORPORATION TO CONGRATULATE THE PEOPLE OF UZBEKISTAN ON THE OCCASION OF THE BEAUTIFUL SPRING HOLIDAY NAVRUZ.

WE WISH JOY, WELFARE AND PROSPERITY



«REALTOR GARANT BUSINESS» МҶЗ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2012 йил 3 августдаги 2-79-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Чорбоғ кўрғони, БУУ «Чорбоғ гўзал боғи», 7-«А» уйда жойлашган дала-ҳовли. Бошланғич баҳоси — 1 700 943 000 сўм.
- Учтепа тумани СИБ томонидан 2012 йил 13 августдаги 1-127/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11-мавзе, 60-уй, 54-хонадон. Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.
- Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 10177-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, 4-микрорайон, 30-уйда жойлашган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 22 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юкоридаги мулклар 2013 йил 22 апрель кундаги

савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 6 май куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МҶЗнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12.

Лицензия: RR-0052.

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МҶЗ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда арзонлаштирилган нархларда такрорий ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

- ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Қалчуғай қишлоғида сақланаётган «КС-45717К-1» русумли автокран, давлат рақами 40 060 ААА, 1998 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 168 415 238 сўм.
- ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, СВӨЖДЛККД Фарғона вилояти бошқармасида сақланаётган «AUDI Q7» русумли машина, давлат рақами 40 В 077 АА, 2008 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 228 287 896 сўм.
- ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона мева-сабзаот тайёрлов савдо» компаниясига тегишли, Олтиариқ тумани, Қалчуғай қишлоғида сақланаётган 16 номдаги ёғоч яшиқлар ишлаб чиқариш дастохлари. Бошланғич баҳоси — 10 997 120 327 сўм.
- ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги

1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» қўшма қорхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Қалчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган 2000 тоннали музлаткич ускуна ва жиҳозлари.

Бошланғич баҳоси — 1 482 356 861 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 5 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2013 йил 3 апрель куни соат 18.00.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «FARG'ONA MULK MARKAZI» МҶЗнинг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурхонийдин Марғинойий кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-70. www.farm.uz Гувоҳнома №1177

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси жамоаси етакчи мутахассис Абдумажид Эшбоевага уқаси

Жасурбек ЭШБОЕВнинг вафоти муносабати билан чукўр тазия изхор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касабга уюшма қўмитаси Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиғи

Бахтиёр МИРЗАЖАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изхор этади.

Чет эл капитални иштирокидаги «Савдогар» очик акциядорлик тижорат банки жамоаси Пул муомаласи бошқармаси бошлиғи Фазлиддин Маҳмудовга акаси

Фозил МАҲМУДОВнинг вафоти муносабати билан чукўр тазия изхор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ
ЖАМОАСИ

ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ
ГУЗАЛ ВА БЕТАКРОР АЙЁМ —
НАВРЎЗ БИЛАН
ҚУТЛАЙДИ!

СИЗЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УҚИШ ВА
ИШЛАРИНГИЗАА МУВАФФАҚИЯТЛАР ҲАМРОҲ БЎЛСИН.
АСРЛАР ОША ЯШАБ КЕЛАЁТГАН БУ УЛУҒ БАЙРАМ
ЮРТИМИЗГА ТИНЧЛИК, ЭЛИМИЗГА ОБОЛИК,
ХОНАДОНЛАРИМИЗГА ФАРОВОНЛИК, ДАСТУРХОНИМИЗГА
ҚУТ-БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН!

PSM GROUP

«PSM GROUP»
масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

барчангизни жонажон юртимизни
гулу чечакларга бурқаб келган
қутлуғ байрам —

Наврўзи олам
билан самимий табриклайди!

Жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги
меҳнатингиз баракали бўлишини
истаб, оилавий бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин, деймиз.

Юртбошимиз томонидан
«Обод турмуш йили» деб номланган
йил Наврўзида қилинган
эзгу тилакларингиз ижобат
бўлсин!

Байрам муборак, азизлар!

«Ўзнефтгазсизибчиқариш»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ

ҳамюртларимизни
бахор ва гўзаллик
байрами —

Наврўзи олам
билан қизгин
муборакбод этади!

Борлиқ уйғониб,
бахор ўз сепини ёйган ушбу фараҳли
кунларда сизларга сиҳат-саломатлик,
хонадонингизга тинчлик,
ишларингизга ривож тилаймиз!

Ekorpen®

«ALFA-PLASTIK» MCHJ
jamoasi

Vatanimiz ravnaqi yo'lida mehnat qilayotgan barcha hamyurtlarimizni ona-tabiatning yangilanishi va yasharishi ramzi bo'lmish ko'hna hamda navqiron

Navro'zi olam
bilan chin dildan qutlaydi!

Ushbu bayram har bir xonadonga tinchlik-totuvlik, fayzu baraka, to'kin-sochinlik olib kelsin!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5